

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

**СУЛЮКОВА ЛАРИСА ФАРИТОВНА**

**БИКРЛИГИ КАМ БЎЛГАН ДЕТАЛЛАРГА ИШЛОВ БЕРУВЧИ  
ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ ВА  
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



A  
C 96

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

**СУЛЮКОВА ЛАРИСА ФАРИТОВНА**

**БИКРЛИГИ КАМ БЎЛГАН ДЕТАЛЛАРГА ИШЛОВ БЕРУВЧИ  
ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ ВА  
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/T26 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Азимов Бахтнёр Магруппович  
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Игамбердиев Хусан Закирович  
техника фанлари доктори, академик

Равшанов Нормакмад  
техника фанлари доктори, профессор

Нурмухамедов Толаниддин Рамзиддинович  
техника фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:


Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «19» Келди соат 17<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).


Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 1/25/23 рақам билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «15» НО.2016 кунни тарқатилди.  
(2019 йил «3» ОК.2016 даги 18 рақамли реестр баённомаси.)



  
Р.Х.Хамдамов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

  
М.А.Рахматуллаев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бошқариш тизимларини такомиллаштиришда ахборот технологиялари ютуқларини ривожлантириш ва жорий қилиш ҳамда механик ишлов берувчи мураккаб технологик тизимларни бошқариш ва технологик жараёнларни лойihalашнинг замонавий усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришининг техник даражасини ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини оширишнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Жаҳон машинасозлигида юқори мустаҳкамликка ва махсус хусусиятларга эга бўлган материаллар кенг тарқала бошлади, натижада металл сарфи ва машина массасининг камайиши тенденцияси кузатилди, бу эса кўплаб бикрлиги кам бўлган деталларнинг шаклланишига олиб келди. Шунинг учун жаҳон бозорида машинасозлик маҳсулотларининг техник даражаси ва рақобатбардошлигини таъминлаш машина ва дастгоҳлар параметрларини тадқиқ қилиш ва оптималлаштиришнинг комплекс масалаларини ҳал қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, шу жумладан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Россия Федерацияси ва бошқаларда механизм ва машиналарда тобора кўпроқ фойдаланиладиган бикрлиги кам бўлган деталларга ишлов бериш аниқлигини оширишнинг, айниқса материал-энергия ресурслар сарфини камайтиришнинг замонавий тенденциялари, ҳамда функционал мақсадли деталлардан кенг фойдаланиш катта муаммо бўлиб турибди. Бундай деталлар аниқ машинасозликда, асбобсозлик, авиация ва космик sanoатда маҳсулотнинг катта қисмини ташкил этади.

Дунёда ишлов бериладиган деталларнинг геометрик ўлчамлари ва шакллари аниқлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, бу эса ишлов беришнинг динамик тизимидаги эластик деформацияланган бикрлиги кам бўлган деталлар ҳаракати қонуниятларини очишга асосланган таҳлил усулларини такомиллаштириш, ишлов бериш аниқлиги ва сифатини ошириш йўллари излаш, технологик тизим ишлаши жараёнида шакл аниқлиги ва юза сифатини ошириш учун бошқарув ва математик моделлаштириш соҳасидаги усулларни ишлаб чиқишга олиб келди.

Ўзбекистон Республикасида машинасозлик деталлари ва дастгоҳларини ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда бошқарув усуллари ишлаб чиқиш, математик моделлаштириш, машинасозлик объектларининг технологик тизимлари параметрларини оптималлаштириш учун алгоритм ва дастур мажмуаларини яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларини яратиш, ...илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва улардан фойдаланиш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда динамикани таҳлил қилиш ва бикрлиги кам

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

деталларга ишлаб беришда хатоликлар ҳосил бўлиши механизмларини ўрганиш учун ахборот ва коммуникация тизимлари ёрдамида дастурлар мажмуаси ва технологияларни ишлаб чиқиш, бикрлиги кам деталларга токарлик ва силликлаш орқали ишлов беришда технологик тизимларнинг тавсифларини ҳисобга олган ҳолда бошқариш усуллари ва математик ифодалашни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот ва ахборот технологиялари соҳасида лойиҳаларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базаларни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV.«Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш»устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>. Ишлов бериладиган бикрлиги кам бўлган деталлар аниқлиги ва сифатини ошириш мақсадида мураккаб технологик тизимларни бошқаришни оптималлаштириш, технологик тизимларни бошқариш усуллари ва алгоритмларини, математик моделлар ва ишлов бериш дастурларини ишлаб чиқиш, технологик тизимларни бошқариш усуллари танлаш ва ахборотни қайта ишлаш бўйича қарорларни қабул қилишни ўз ичига олган муаммоларни ҳал қилиш бўйича тадқиқотлар жаҳон илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, шу жумладан University of Huddersfield (Буюк Британия), Institute of Production Engineering and Machine Tools University of Hannover (Германия), Cornell University School of Operations Research and Industrial Engineering, Department Electrical Engineering & Computer Science Northwestern University (АҚШ), Department of Mechanical Engineering Tianjin University (Хитой), Lublin University of Technology (Польша), МДТУ «Станкин»да, Н.Э.Бауман номли МДТУда, Омск давлат техника университетида (Россия Федерацияси) олиб борилмоқда.

Технологик тизимларни бошқариш учун усуллар ва алгоритмларни яратиш, механик ишловларни математик моделлаштириш бўйича мавжуд

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.springer.com>, <https://www.sciencedirect.com/science/article>, [www.ifw.uni-stuttgart.de](http://www.ifw.uni-stuttgart.de), <https://www.researchgate.net/publication>, <http://eprints.hud.ac.uk/8597/>, <http://technomag.bmstu.ru/en/>, <https://jestec.taylorfs.edu/>, <https://www.unibo.it/en>, <https://www.mccormick.northwestern.edu/cecs>, <https://cyberleninka.ru/article/>, <http://ieeexplore.ieee.org/>, <https://scholar.google.ru>, <http://engjournal.ru/catalog/eng> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

тадқиқотларни таҳлил қилиш натижасида бир қатор илмий натижалар, шу жумладан: замонавий дастурий таъминотдан фойдаланиб, механик ишлов бериш жараёнида кесиш кучлари ва колдик кучланишларни математик моделлаштириш натижалари келтирилган, бошқарув усуллари ва силликлаш жараёнларини бошқариш усуллари ва моделлаштириш таснифлари яратилди (University of Huddersfield, Буюк Британия); динамик тизимни бошқариш орқали ички силликлаш жараёнини оптималлаштириш усуллари ишлаб чиқилган (Institute of Production Engineering and Machine Tools, University of Hannover, Германия); ишлов бериш жараёнининг кириш параметрларини корреляцияси ва чиқиш тавсифлари учун самарадорликни, технологик жараёни бошқариш йўллари башоратлайдиган, ўзаро таъсир қилувчи кесиш кучларининг мувозанатини бошқариш имконини берадиган математик моделлар олинган (Department of Mechanical Engineering Worcester Polytechnic Institute, АҚШ); турли каналлар бўйича динамик тизимни математик моделлари ва бошқарув алгоритмлари (Lublin University of Technology, Польша); бикрлиги кам бўлган деталларга ишлов бериш жараёнларини тўғридан-тўғри сонли интеграллашни қўллаш билан тадқиқ қилиш имконини берувчи математик моделлар, мураккаб шаклли мослашувчан деталларни силликлаш жараёнларининг имитацион моделлари мажмуаси, тебраниш даражасини, шакли ва юза сифати оғишини баҳоловчи, мураккаб юза шаклли деталларга ишлов беришни моделлаштиришга ёндашув (Н.Э. Бауман номли МДТУ); юза шаклланишининг зарурий сифатини таъминловчи, дастгоҳли модулни бошқариш тизимини қуришнинг назарий ва амалга ошириш асослари шакллантирилган (СТАНКИН МДТУ); бошқариладиган ўзгарувчилар учун динамик тизимларни аналитик идентификация қилиш тавсия қилинган (Тольятти давлат университети, Россия Федерацияси).

Берилган аниқлик билан технологик жараёнларни лойиҳалашда аниқлик ва ишлов бериш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, улар аниқликни бошқаришнинг конструкторлик ва тебранишларни бошқариш усулларини яратишга тааллуқли, математик моделлар ва эластик тизимни кесиш режимларни тўғридан-тўғри бошқариш усулларини ишлаб чиқиш. Динамик тизимнинг эластик деформациясини бошқариш тизимларини синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилмоқда, технологик тизимни лойиҳалаш учун, кўп мақсадли дастгоҳларни қўллаш учун ҳам дастурий таъминот такомиллаштирилмоқда ва яратилмоқда. Технологик жараёни бориши ва дастгоҳларнинг ишлаши тўғрисидаги ўлчов маълумотларини қайта ишлашнинг компьютер усулларидан фойдаланган ҳолда энг янги усул ва бошқариш воситалари ишлаб чиқилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Деталларга ишлов берувчи технологик тизим ҳаракатини бошқаришнинг усуллари ва алгоритмларини яратиш, математик моделлар ва ушбу жараёни бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқишни ўз ичига олган бошқаришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, технологик тизимни ва унинг динамик тавсифларини бошқаришнинг сифат кўрсаткичларига нисбатан асосий талабларини ишлаб чиқишнинг

кўпфакторли таҳлилини ўзида акс эттирадиган, механик ишлов бериш жараёнида кузатиладиган омилларнинг ўзаро таъсирини тадқиқ қилиш масалалари ўзининг катта ҳиссасини кўшган қуйидаги олимларнинг ишларида кўриб чиқилган: О.И.Драчев, А.М.Абакумов, В.А.Тараненко, С.А.Воронов, В.Г.Митрофанов, S.Malkin, A.A.Cardi, R.Bauer ва бошқалар.

Деталларни тайёрлаш аниқлигини таъминлаш, механик ишлов бериш жараёнларини оптималлаштириш ва бошқариш масалалари Б.С.Балакшин, З.Гейлер, А.М.Дальский, Ю.М.Соломенцев, В.А.Кудинов, М.С.Невельсон, В.И.Подураев, М.М.Тверской, В.А.Гаврилов, Van der Schaft, Macchelli A. ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида етарли даражада тўлиқ ва кенг ёритилган. Чизикли моделлар ёрдамида турли операциялар учун кесиш жараёни турғунлигининг таҳлили Ю.Н.Санкин, В.Г.Грановский, Y.Altintas, S.D.Merdol ва бошқаларнинг ишларида келтирилган. Лекин бикрлиги кам бўлган деталларга ишлов бериш бўйича мақсадли тадқиқотлар сонининг чекланганлиги, бикрлиги кам бўлган деталларни юқори аниқликдаги силликлаш жараёнларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни секинлаштиради.

Амалга оширилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, деталларнинг аниқлигини ошириш мақсадида кўп босқичли моделлаштириш, ҳисоблаш тажрибалари ва параметрларни оптимал бошқариш тизимларини қуришга ҳамда дастурий воситаларини ишлаб чиқишга асосланган, бикрлиги кам бўлган деталларга механик ишлов берувчи технологик тизимни (ТТ) бошқаришнинг усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, мулоқот режимида қарор қабул қилиш ва ишончли ахборот олиш ҳисобига технологик тизимларни бошқаришни амалга ошириш долзарб муаммо ҳисобланиб, ҳозир вақтда етарли даражада ҳал қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий тадқиқот ишлари режасининг А-17-Ф008 «Ишлаб чиқариш тизимларини тафаккурли бошқариш ва лойиҳалашнинг моделлари, алгоритмлари ва дастур воситаларини ишлаб чиқиш» (2009-2011), А5-ФА-А018 «Технологик машина ва тизимларни лойиҳалаш учун усуллар, алгоритмлар ва ташхислаш, оптимал бошқариш ва қарор қабул қилишнинг дастур воситаларини ишлаб чиқиш» (2012-2014), А-5-008 «Технологик машинларнинг ишчи органлари ҳаракатини ва уларни тайёрлаш жараёнларини бошқаришнинг дастурий-алгоритмик воситаларини ишлаб чиқиш» (2015-2017), БВ-АТЕХ-2018-13 «Пахта териш машиналари турли шароитларда ҳаракатланганда параметрларини оптималлаштиришнинг моделлари, алгоритмлари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзулардаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бикрлиги кам бўлган деталларга механик ишлов берилганда талаб этилган юза аниқлигини ва сифатини таъминлаш учун технологик тизимларни бошқариш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.



### **Тадқиқот вазибалари:**

айланма жисм шаклидаги бикрлиги кам бўлган деталларга механик ишлов берувчи технологик тизимларни тадқиқ қилиш ва бошқариш усулларининг тизимли тахлилини амалга ошириш;

бикрлиги кам бўлган эластик деформацияланувчи деталларга динамик режимда механик ишлов берувчи технологик тизимлар ҳаракатининг математик моделларини ишлаб чиқиш;

эластик деформацияланувчи деталларга механик ишлов беришнинг барқарор жараёнларини таъминлашнинг қонуниятларини ўрнатиш;

бикрлиги кам бўлган деталларга токарлик ишлови бериш ва силликлаш жараёнларида технологик тизимни моделлаштириш ва бошқаришнинг функционал тузилмасини ишлаб чиқиш;

бикрлиги кам бўлган деталларга ишлов бериш жараёнида тезкор, сифатли ва ресурс сарфини камайтирувчи ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида технологик тизимни оптимал бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

бикрлиги кам бўлган деталларга ишлов бериш жараёнида технологик тизимнинг ҳолатини баҳолаш моделлари ва энергетик ресурсларини бошқаришни яхшилаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

машинасозликнинг ишлаб чиқариш объектларига олинган натижаларни амалий татбиқ қилиш учун дастурий мажмуани ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** эластик деформацияланувчи деталларга механик ишлов берувчи технологик тизим ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** технологик тизимларни оптимал бошқариш ва энергетик ҳолатини баҳолаш усуллари ва алгоритмлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тизимли таҳлил, деформацияланувчи каттик жисм механикаси назарияси, вариацион ҳисоблар ва оптимал тизимлар, математик моделлаштириш усуллари ҳамда машинасозлик технологияси ва замонавий ахборот технологиялари услубиятлари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

IDEF0 услубияти асосида ҳақиқий жараёнларни акс эттирувчи, бикрлиги кам бўлган деталларга ишлов берувчи технологик тизимларнинг моделлари ва бошқариш алгоритмларининг функционал тузилмаси қурилган;

динамик режимдаги бикрлиги кам бўлган деталларга механик ишлов бериш жараёнларини бошқариш учун технологик тизимнинг ҳисоблаш тарҳи қурилди ва математик моделлари ишлаб чиқилган;

бикрлиги кам бўлган деталларга ишлов бериш жараёнида тезкор, сифатли ва ресурс сарфини камайтирувчи ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида технологик тизимни оптимал бошқариш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

бикрлиги кам бўлган деталларга ишлов бериш жараёнида технологик тизимнинг ҳолатини баҳолаш моделлари ва энергетик ресурсларини бошқаришни яхшилаш алгоритми ишлаб чиқилган;

динамик технологик тизимнинг намунавий тузилмалари учун эластик деформацияланувчи деталларга механик ишлов беришнинг барқарор жараёнларини таъминлаш қонуниятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бикрлиги кам бўлган эластик деформацияланувчи деталларга токарлик ишловини бериш ва силлиқлаш аниқлигини бошқариш, ишлов бериш жараёнини ва унга тенглаштирилган эластик тизимнинг динамик хусусиятларини тавсифловчи технологик тизимларнинг математик моделлари ишлаб чиқилган ва эластик деформацияланиш шароитида параметрларни оптималлаштириш амалга оширилган;

IDEF0 услубияти асосида бикрлиги кам бўлган деталларга ишлов берувчи технологик тизимни бошқаришнинг функционал тузилмасини куриш усуллари ишлаб чиқилган;

токарлик ишлови бериш ва худди шундай силлиқлаш жараёнлари учун характерли бўлган, бошқарув объекти параметрларининг ўзгариш чегараларини кенглиги сабабли, ўрнатилган ва ўтиш режимларида бошқаришнинг юқори сифат кўрсаткичларига оптимал бошқариш усуллари қўллаш орқали эришиш мумкинлиги аниқланган;

ишлов бериладиган деталь шакли ва юзаси сифати аниқлигини оширишни таъминловчи, бикрлиги кам бўлган деталларга механик ишлов берувчи технологик тизимни оптимал бошқариш, энергетик ҳолатини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган;

ишлов бериш режимида параметрларни оптималлаштириш, бикрлиги кам бўлган деталларга ишлов бериш аниқлигини оширишга олиб келувчи барқарор жараёни таъминлаши исботланган;

ўқ чизигига симметрик жойлашган бикрлиги кам бўлган деталларга токарлик ишловини берувчи ва силлиқлаш жараёнларининг технологик тизимларини оптимал бошқариш алгоритмлари, баҳолаш ва энергетик ҳолатини бошқаришни яхшилаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масса, энергия ва импульсни сақланиш қонунлари, каттик жисм механикаси қонунлари, ҳисоблаш математикасининг тасдиқланган усулларида фойдаланилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг сифат ва миқдор жиҳатдан баҳоланганлиги билан асосланган, қаралаётган жараёнинг ишлаб чиқилган математик таъминотга мослиги материал мувозанати тенгламалари билан текширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти берилган аниқлик ва юза сифатини таъминлаш учун деталларни эластик деформацияланиш ҳолатидаги очиб берилган қонуниятларга, технологик тизимни математик ифодалашга ва бошқарув тузилмасини куришга асосланган бикрлиги кам бўлган деталларга ишлов бериш жараёнини бошқариш усуллари яратишдан иборат. Ишда келтирилган IDEF0 услубияти технологик тизимни қабул қилинган мезонларга жавоб берадиган, адекват моделлар ва таҳлиллаш воситалари ёрдамида тадқиқ қилиш ва бошқариш ҳамда энергетик ҳолатини баҳолаш жараёнларини акс эттиради. Бундай ёндашув ички ва ташқи муҳитнинг ўзгариши шароитида деталларга механик ишлов беришнинг олдиндан талаб

этилган натижаларини олиш эҳтимоли юқорилигини кафолатловчи, мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар имконини беради.

Натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган ва амалга оширилган моделлаштириш усули, ҳисоблаш тажрибалари натижалари ва технологик тизимни оптимал бошқаришнинг дастурий воситаси, бикрлиги кам бўлган деталларга механик ишлов беришда лойиҳалаш бўйича аниқ амалий таклифлар қабул қилиш, ишлашини таҳлил қилиш, тузатиш ва параметрларни ва материал-энергия ресурсларини оптимал танлаш ҳамда технологик тизимни меъёрий ишлашнинг ишончлилигини оширишни таъминлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган бикрлиги кам бўлган деталларга (БКБД) механик ишлови беришнинг ТТни оптимал бошқариш, энергетик ҳолатини баҳолаш усуллари ва алгоритмлари асосида:

ишлаб чиқилган БКБДларга токарлик ишлови бериш ва силликлашнинг ТТни оптимал бошқаришнинг дастурий воситалари мажмуаси «Трактор» МКБ УКда деталларга ишлов беришнинг технологик жараёнларини автоматлаштирилган ҳисоблаш ва лойиҳалаш жараёнларига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги 33-8/7656-сон, Ўзбекистон Республикаси «Ўзагротехсаноатҳолдинг» АЖнинг 2019 йил 15 январдаги АР-19-02/88 - сон маълумотномалари). Натижада ажратгич валига механик ишлов беришни автоматлаштирилган лойиҳалаш жараёни вақтини 80% камайтирган. Дастурий мажмуа пахта териш машинаси ажратгичи валига ишлов беришда кучларни ҳисоблаш, ажратгич валига ишлов берувчи технологик тизимининг қурилган динамик модели асосида чўзилишдаги валнинг бикрлик ва ковушқоқлик коэффицентларини аниқлаш ҳамда валга ишлов бериш аниқлигининг талаб қилинадиган параметрларини аниқлаш учун ўқ бўйича чўзувчи кучлар ва эгилишлар қийматини ҳисоблашни амалга ошириш имконини бераган;

механик ишлови берувчи технологик тизимини шакллантириш ва оптимал бошқариш алгоритмлари, кучларини ва эгувчи моментларни ҳисоблаш усуллари «Технолог» АЖнинг корхоналарига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги 33-8/7656-сон, Ўзбекистон Республикаси «Ўзагротехсаноатҳолдинг» АЖнинг 2019 йил 15 январдаги АР-19-02/88 - сон маълумотномалари). Натижада ишлов бериладиган деталнинг ўлчамлари ва шакли аниқлигини 10-15 марта ошириш ва ишлов беришнинг техник-иктисодий кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган;

пахта териш машинаси ажратгичи валини кесишда кесишнинг ташкил қилувчи кучларини, ўқ бўйича чўзувчи ва эгувчи кучлар қийматини ҳисоблаш ҳамда пахта териш машинаси ажратгичи валига механик ишлов берилганда технологик параметрларнинг оптимал қийматларини ҳисоблаш усуллари «БМКБ-Агромаш» АЖда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 12 октябр-

даги 33-8/7656-сон, Ўзбекистон Республикаси «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг 2019 йил 15 январдаги АР-19-02/88-сон маълумотномалари). Натижада ишлов бериладиган деталларнинг оптимал функционал параметрларини аниқлаш таъминланган, олдиндан берилган шартлар бўйича тизим ҳаракатини бошқаришни шакллантириш ва деталларнинг ўлчамлари аниқлигини ва шакл сифати кўрсаткичларини 2-4 марта ошириш имконини берган. Эластик эгилишлар катталиги токарлик ишлови берилганда 1.5÷8.7 мкм ва силлиқлашда 0.2÷3.5 мкм камайтирилган;

ишлаб чиқилган пахта териш машинаси териш аппарати ажратгичи валига механик ишлов берувчи технологик тизимининг энергетик ҳолатини баҳолашнинг оптимал бошқариш усуллари ва алгоритмлари, кучларни ҳисоблаш, энергетик ҳолатини баҳолаш, ишлов бериладиган деталларнинг параметрларини оптимал қийматларини аниқлаш усуллари «КТЦСМ» МЧЖда пахта териш машинаси териш аппарати ажратгичи валини тайёрлашнинг технологик жараёнларининг параметрларини аниқлаш учун лойиҳалаш жараёнларига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги 33-8/7656-сон, Ўзбекистон Республикаси «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг 2019 йил 15 январдаги АР-19-02/88-сон маълумотномалари). Таклиф қилинаётган технологик жараённи моделлаштириш усули берилган шарт бўйича ва деталларнинг шакли аниқлигининг юқори кўрсаткичларини олиш учун хизмат қилган, механик ишлов беришнинг берилган назарий аниқлигига икки параметр бўйича бошқариш йўли билан эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур назарий ва амалий тадқиқот натижалари 5 халқаро ва 4 республика илмий-техник конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича 31 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, 14 таси республика журналларида ва 6 таси хорижий журналларда нашр қилинган, ҳамда 2 та ЭХМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 саҳифани ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Киришда диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишлари талабларига мувофиқ долзарблиги асосланди. Мақсад ва вазифалар шакллантирилди, тадқиқот объекти ва предмети аниқланди, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилди. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланди, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилди. Тадқиқот

натижаларини амалда қўлланганлик рўйхати, нашр этилган ишлар ҳақида маълумотлар ва диссертация ишининг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг биринчи “Бикрлиги кам бўлган деталларга механик ишлов бериш жараёнларини моделлаштириш ва бошқаришнинг замонавий усулларини тизимли таҳлил қилиш” бобида математик моделлар, усуллар, технологик тизимларни бошқариш алгоритмларини, механик ишлов бериш аниқлигига таъсир қилувчи омилларни бошқариш йўллари ва ёндашувларни яратиш соҳасидаги мавжуд назарий натижалар ҳолати таҳлил қилинди ва тавсифланди.

Талаб қилинадиган аниқлик ва юза сифатини таъминлайдиган бикрлиги кам бўлган деталларга механик ишлов берувчи технологик тизимларни (ТТ) бошқариш масаласини ҳал қилишнинг қийинлиги шундан иборатки, ишлов беришда деталнинг ўзи, асбоб ва станокнинг қисмлари нисбатан ҳаракатда бўлганлиги мураккаб динамик тизим сифатидаифодаланади, унинг ҳаракатини мақсадли ва назарий тадқиқотларсиз олдиндан аниқлаб бўлмайди. Шакл хатосининг асосий сабаби кесиш кучлари таъсири остидаги валларнинг эластик деформацияси ва вал узунлиги бўйлаб ўзгарувчан бикрлиги ҳисобланади, бу эластик деформация шароитида аниқликни таъминлаш қийинлиги билан ифодаланади. Масалани ҳал қилиш учун энг тўғри йўналиш бу бикрлиги кам бўлган (БКБД)ларга механик ишлов берувчи технологик тизимни эластик деформацияланиш ҳолатида ишлов бериладиган деталга технологик таъсир қилишга асосланган бошқариш ҳисобланади.

Деталларга механик ишлов берувчи ТТни бошқаришнинг технологик усулларини тадқиқ қилиш натижалари ва уларнинг бикрлиги кам бўлган деталларни эластик деформацияланган ҳолатини бошқариш усулларини алоҳидагуруҳга ажратилган таснифи келтирилган. Деталларнинг умумий тавсифи ҳамдаўқига симметрик бўлган БКБДларҳилидаги ишлов берувчи ТТнинг тавсифи ва абзалликлари берилган. Тадқиқот олиб бориш учун вал хилидаги деталь танланган. Валнинг муҳим тавсифи, унинг узунлигини диаметрга нисбати билан аниқланадиган бикрлиги ҳисобланади. Тадқиқот объектини моделлаштириш ва бошқаришда унга ўхшаш деталларни афзалликларини ҳисобга олиш керак бўлади. Юқори талаблар, геометрик шаклларнинг аниқлиги ва юзаларнинг ўзаро жойлашуви, узунлик ўлчамлари ва бикрлиги кам деталларнинггоза сифати параметрларига нисбатан қўйилади. Бундакесиш операцияларида тайёрлаш аниқлиги ғадир-будирлиги  $R_a=0.63-2.5$  мкм бўлганда 8-11 квалитетга тўғри келиши керак. Кейинги силлиқлаш операцияларининг бажарилиши ва умуман ишлов бериш натижалари кесиб ишлов бериш операциясининг аниқ бажарилишига боғлиқ бўлиб, баъзи ҳолларда кесиб ишлов бериш операциялари якуний ишлов бериш тури ҳисобланади.

Бикрлиги кам бўлган эластик деформацияланган деталларга механик ишлов берувчи тизимни моделлаштиришнинг аниқланган хусусиятлари шуни кўрсатдики, бошқариш объекти (БО) тўғрисида етарлича тўлиқ маълумот бўлмаса, ҳисобланган тавсифлари ҳақиқийлардан сезиларли фарқ қилиши мумкин. Бундан ташқари, таҳлил қилинган тизимлар параметрлар-

нинг катта ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Бикрлиги кам бўлган ишлов берилувчи детални ичига олган ТТда параметрлар битта деталга ишлов бериш цикли давомида сезиларли даражада ўзгариши мумкин. Ушбу таърифлар бошқарув тузилмасини ишлаб чиқиш муаммосига алоҳида ёндашув зарурлигини кўрсатади. БО тузилиши ТТнинг кесиш ёки силликланган жараёнини амалга оширишда юзага келадиган, куч таъсиридан келиб чиққан эластик деформацияларни бошқариш элементларини ўз ичига олади.

БКБДларга ишлов бериш аниқлигини ошириш учун математик моделлар, усуллар, йўллар ва ёндашувларни яратиш соҳасида мавжуд назарий натижаларнинг ҳолати таҳлил қилинди ва тавсифланди. БКБДларга механик ишлов берувчи ТТни бошқаришнинг технологик усулларини тадқиқ қилиш натижалари ва уларнинг таснифи, унда эластик деформацияланган ҳолатни бошқариш усуллари алоҳида гуруҳга ажратилганлиги келтирилган.





Назарий ва амалий ютуқларни танқидий таҳлил қилиш асосида фан соҳасида тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини шакллантириш амалга оширилди.

Диссертациянинг иккинчи «Бикрлиги кам бўлган эластик деформацияланган деталларга ишлов берувчи технологик тизимнинг тавсифларини тадқиқ қилиш» бобида эластик деформацияланган БКБДларга ишлов берувчи ТТнинг статик ва динамик тавсифларини ўрганиш натижалари баён қилинган. Барқарорлашган режимларда эластик деформацияланган БКБДларнинг математик моделларини куриш афзалликлари келтирилган.

БКБДларга ишлов берувчи ТТни бошқаришда уларнинг эластик деформацияланган ҳолатида ўзгаришига асосланган, алоҳида ёки комбинацияланган кучлар таъсири қўлланилади: марказий ва номарказий чўзилиш, номарказий сикилиш; кесиш жараёнида куч омилларини компенсациялашга йўналтирилган қўшимча кучлар таъсирини бошқариш; таянчлардаги эгувчи моментлар; деформацияланишдаги эгилиш-буралиш кучини бошқариш.

ТТнинг математик модели барқарорлашган режимда, кўрилатган кесимдаги деталнинг эластик деформацияланиши қийматида ташқи таъсирнинг таъсирини акслантирувчи функционал боғлиқлик кўринишида шакллантирилади. БКБДларнинг турли эластик-деформацияланган ҳолатларга эга бўлган ТТ учун функционал боғлиқлари олинган (1-расм).


Деталларни маҳкамлаш, марказий чўзувчи кучлар ишлатилганда бўйлама силжиш имконияти билан амалга оширилиши мумкин (1-расм, 2.2 ва 2.3-чизмалар). Эластик эгилишни минималлаштириш мақсадида номарказий чўзишни ишлатиш орқали деталнинг маҳкамланган жойида бурилиш бурчагини бошқариш ҳам мумкин. Ушбу турдаги маҳкамлаш ҳаракатланувчи шарнирли таянч кўринишида ҳам бўлиши мумкин (1-расм, 2.4-чизма). Ушбу тархнинг асосий фарқи номарказий чўзиш ҳисобига детални маҳкамлаш нуктасида бошқарилувчи моментни қўзғатиш ҳисобланади.

№ пл	Мақсатлаш усули. Юклагырыш шарты. Деталдың эластик чыгыгының құрынышы	Чегаравий шартлар. Мувозанылык шарты. Деформацияны мос келуванчылык шарты	Эгилгышлар функциясы	Бошлангыч параметрлар $Q_0$ ва $M_0$
1	2	3	4	5
2.1	 <p><math>P_x = 0; M_1 = 0; \epsilon = 0; \beta = (L-a)/L; P_m = \sqrt{P_x^2 + P_y^2}</math></p>	$X=0; Y(0)=0; Y'(0)=0; EI Y''(0) = M_0;$ $EI Y''(L) = Q_0; X=L; Y(L)=0;$ $\alpha = \sqrt{\frac{P_x}{EI}}$	$y(x) = \frac{Q_0}{P_x} (sh \alpha x - \alpha x) + \frac{M_0}{P_x} (ch \alpha x - 1) + f(x)$ $0 < x < a; f(x) = 0; 0 < x < L; f(x) = P_m/P_{x1} (x-a) sh \alpha(x-a)$	$Q_0 = P_{m0} \frac{(\beta \alpha L \cdot ch \alpha L - sh \beta \alpha L)}{(\alpha L ch \alpha L - sh \alpha L)}$ ; $M_0 = P_{m0} \frac{(\beta sh \alpha L - sh \alpha \beta L)}{(\alpha L ch \alpha L - sh \alpha L)}$
2.2	 <p><math>P_x = 0; \epsilon = 0</math></p>	$X=0; Y(0)=0; Y'(0)=0;$ $X=L; Y(L)=0; Y'(L)=0;$ $Y(L) = a_1 [1 + \cos(\alpha L)]$ $Dw/dx _L = 0$	$Y(x) = \frac{P_m L [1 - \cos(\frac{2\alpha x}{L})] - \cos(\frac{2\alpha x}{L})}{\pi (\delta \pi^2 \cdot EI + 2 P_x L^2)}$	
2.3	 <p><math>P_x = 0; \epsilon = 0</math></p>	$X_1=0; Y_1(0)=0; Y_1'(0)=0;$ $EI Y_1''(0) = M_0; EI Y_1''(L) = Q_0;$ $X_2=0; Y_2(0)=0; Y_2'(0) = Y_1'(a);$ $EI Y_2''(0) = EI Y_1''(a); EI Y_2''(L) = 0;$ $EI Y_2'''(a) = P_{x1};$ $\alpha = \sqrt{P_{x1} / EI}$	$0 < X_1 < a$ $Y_1(X_1) = \frac{Q_0}{\alpha^2 P_x} (sh \alpha x_1 - \alpha x_1) + \frac{M_0}{P_x} (ch \alpha x_1 - 1)$ $0 < X_2 < L$ $Y_2(X_2) = \frac{Q_0 ch \alpha a - M_0 \alpha ch \alpha a - P_x}{\alpha P_x} (sh \alpha x_2 - \alpha x_2) - \frac{Q_0 sh \alpha a - M_0 \alpha ch \alpha a}{\alpha P_x} (ch \alpha x_2 - 1)$	$Y_1(a) = -Y_2(a); Y_2'(L-a) = 0$ $Q_0 = \frac{P_x [(ch \alpha(L-a) - \alpha(L-a) sh \alpha(L-a)) - \alpha(L-a) (ch \alpha(L-a) - sh \alpha(L-a))]}{-\alpha P_x (ch \alpha(L-a) - sh \alpha(L-a))}$ $M_0 = \frac{P_x [(ch \alpha(L-a) - \alpha(L-a) sh \alpha(L-a)) - \alpha(L-a) (ch \alpha(L-a) - sh \alpha(L-a))]}{-\alpha P_x (ch \alpha(L-a) - sh \alpha(L-a))}$
2.4	 <p><math>M_1 = P_x; d/2; M_2 = P_{x1}; \epsilon</math></p>	$X_1=0; Y_1(0)=0; Y_1'(0)=0;$ $X_2=0; Y_2(0)=0; Y_2'(0) = Y_1'(a);$ $EI Y_1''(0) = M_0; EI Y_1''(L) = Q_0;$ $EI Y_2''(0) = EI Y_1''(a); P_{x1};$ $\alpha_1 = \sqrt{P_{x1} - P_x / EI}; \alpha_2 = \sqrt{P_{x1} / EI}$	$0 < X_1 < a$ $Y_1(X_1) = \left[ \frac{Q_0 \alpha_1}{(P_x - P_{x1})} sh \alpha_1 x_1 - \alpha_1 x_1 \right] + \left[ \frac{M_0}{(P_x - P_{x1})} (ch \alpha_1 x_1 - 1) \right]$ $0 < X_2 < L$ $Y_2(X_2) = \frac{Q_0 ch \alpha_2 a - M_0 \alpha_2 ch \alpha_2 a + P_x}{\alpha_2 P_x} (sh \alpha_2 x_2 - \alpha_2 x_2) + \frac{sh \alpha_2 (Q_0 \alpha_2) + M_0 \alpha_2 ch \alpha_2 a - M_0}{P_x} (ch \alpha_2 x_2 - 1)$	$Y_1(a) = -Y_2(a); Y_2'(L-a) = 0$ $\sum M(0) = Q_0 L + M_0 + P_x \cdot \frac{a}{2} + P_{x1} (L-a); P_{x1} \cdot L = 0$ $Q_0 = \frac{\alpha_1 P_x (ch \alpha_1 a - 1) - \alpha_1 P_x (L-a) - \alpha_1 (P_x - P_{x1})}{[\alpha_1 (L-a) - \alpha_1 (L-a) sh \alpha_1 (L-a)] - P_x \alpha_1 (L-a) - \alpha_1 (L-a)}$ $M_0 = \frac{P_x [(ch \alpha_1 (L-a) - \alpha_1 (L-a) sh \alpha_1 (L-a)) - \alpha_1 (L-a) (ch \alpha_1 (L-a) - sh \alpha_1 (L-a))] - P_x \alpha_1 (L-a) - \alpha_1 (L-a)}{[\alpha_1 (L-a) - \alpha_1 (L-a) sh \alpha_1 (L-a)] - P_x \alpha_1 (L-a) - \alpha_1 (L-a)}$

1-расм. Эластик деформацияланган холатини бошқарышда деталларни юклаш шартлары

Бунда битта бошқариладиган куч факторини қўллаш – номарказий чўзиш ишлов бериш зонасида, хусусан, ҳар қандай детални олдиндан берилган кесимида иккита куч омилини: кесиш кучига қарши турадиган, яъни детални эластик деформацияланиш ҳолатига йўналтирилган бўйлама  $P_{x1}$  куч ва  $M_2 = P_{x1} \cdot e$  эгувчи моментни яратишга имкон беради.

2-расмда ЭХМХ= $a$  ишлов бериш зонасидаги деталларнинг эластик дефекциялари қийматларининг сонли моделлаштиришдан олинган натижалари берилган, бундан ташқари аналитик боғлиқлик рақами жадвалдаги модель рақамига тўғри келади (1-расм). 2.5 боғлиқлик олдинги бабка патронига детални маҳкамланганда ва ўрнатиш жойида кесимни буралиши мумкин бўлмаган орқа бабкага цангалик сиқиш орқали экспериментал олинган (2.3 - модель). Бунда,  $d = 2 - 6$  мм ва  $L = 100 - 300$  мм, уларни чўзувчи куч 980-1960 Н бўлганда деталнинг бикрлигини ошиши эластик эгилиш 10-20%, мос равишда  $d = 8 - 12$  мм бўлганда эластик эгилиш 5-7% га камайишига,  $d > 16$  мм ортганда берилган узунликда статик бикрлик қийматига ва мос равишда детални эгилишига деярли амалда таъсир қилмайди.





2-расм. Деталларнинг эластик эгилишларидаги ўзгаришларининг аналитик боғлиқликлари:

а –  $P_{x1}=1960$  Н; б –  $P_{x1}=980$  Н; 2.5 эгри чизик экспериментал олинган

Диссертациянинг иккинчи бобида келтирилган БКБДларга ишлов беришнинг математик модель (ММ) куришнинг умумий тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, соддалаштирилган физик модель ва бўйлама суриш билан эластик деформацияланган бикрлиги кам валларни силликлашда қирқим кесими тарhini шакллантириш 3-а,б расмларда келтирилган. Жараён тарҳи, узунасига силликлашда радиал ва ўк бўйича ҳақиқий кесиш жараёни (қирқим кесимининг шакллантирилиши билан) ва жараёнга қўзғалтирувчи таъсир кўрсатишибилан тавсифланади.

Кўриб чиқилаётган ТТни кириш таъсирлари учун қуйидаги қийматлар олинади: марказий чўзишда чўзувчи куч  $P_{x1}$ ; номарказий чўзишда чўзувчи куч  $P_x$  ва эксцентриситет  $e$ ; детални ўрнатиш нуқталарига қўйилган  $M_1$  и  $M_2$  эгувчи моментлар. Қаралаётган ТТнинг чикувчи ўзгарувчилари учун кесиш кучини алоҳида ташкил қилувчилари  $P_x, P_y, P_z$  ва уларга мос келадиган ТТнинг  $u_x, u_y, u_z$  эластик деформацияси қабул қилинган.





3-расм. Силликлаб ишлов бериш жараёни тархи ва кесиладиган қатламнинг кесими: а – қиринди ҳосил бўлишининг соддалаштирилган модели; б –  $x$  ва  $y$  координаталари бўйича эластик деформацияни ҳисобга олган ҳолда қатламнинг кесими

Бикрлиги кам бўлган валларни тебранма думалок силликлашнинг умумлашган ММ учун тенгламалар тизими куйидаги кўринишда ёзилади:


$$\left. \begin{aligned}
 P_{\xi}(s) &= m_{\xi} \cdot a(s) + n_{\xi} \cdot b(s), \\
 a(s) &= \frac{1}{s}(1 - e^{-st}) \cdot S_{np}(s) - (1 - e^{-st}) \cdot y_x(s), \\
 b(s) &= \frac{1}{st}(1 - e^{-st}) \cdot b_1(s) - y_y(s) - K_{b_2} \cdot y_z(s), \\
 y_y(s) &= K_{yy} \cdot P_y(s) + K_{xy} \cdot P_x(s) + K_{P_{x1}} \cdot P_{x1}(s) + K_c \cdot e(s) + K_{M_i} \cdot M_i(s), \\
 y_x(s) &= K_x \cdot P_x(s), \quad y_z(s) = K_z \cdot P_z(s), \\
 \xi &\in \{X, Y, Z\}.
 \end{aligned} \right\} (1)$$

бу ерда  $P_{\xi}(s)$  – кесиш кучининг ташкил қилувчиси;  $m_{\xi} = \left(\frac{dP_{\xi}}{da}\right)_0$ ;  $n_{\xi} = \left(\frac{dP_{\xi}}{db}\right)_0$  – кесиш қалинлиги  $a(t)$  ва кесиш чуқурлигининг  $b(t)$  мос равишда ортини бўйича кесиш кучларини ташкил қилувчилари учун узатиш коэффицентлари.

БО сифатида бикрлиги кам эластик деформацияланган валларни ташки думалоклаб ўйиб силликловчи ТТнинг математик модели, умумий ҳолда, кесиш жараёни ва ТТнинг эластик деформациясини ҳисобга олади.

Эластик деформацияланиш ҳолатини келтириб чиқарувчи, олдиндан санаб ўтилган объектга кирувчи таъсирлардан бири:  $P_{x1}, K_{P_{x1}}, K_c, e, M_i, K_{M_i}$  ва кўндаланг сижшишдаги суппортнинг  $S_{нопер}$  тезлиги,  $y_y$  координатаси бўйича эса чикувчи – ТТнинг эластик деформацияси.

Олдиндан қабул қилинган бошлангич коидаларга ва фаразларга қўшимча қилиш керак: силликлаш доимий кесиш тезлигида амалга оширилади, силликлаш гилдирагининг кесиш қобилияти ва ишлов бериладиган деталь материали хусусиятлари доимий бўлганда; силликлаш гилдирагининг кенглиги  $b = const$  ва силликлашда ишлов бериладиган деталлар ёки гилдирак кенлигига тенг. Бундан ташқари, фақат тизимнинг чизикли эластик деформацияси,  $Y$  ва  $K_z$  бикрликларнинг вариацияси ҳисобга



Эластик деформацияланган БКБДларни ўйиб силлиқлашда ТТнинг математик модели оператор кўринишида қуйидагича ифодаланиши мумкин:


$$\left. \begin{aligned} P_{\xi}(s) &= m_{\xi} \cdot a(s), \\ y_y(s) &= K_{yy} \cdot P_y(s) + K_{P_{x1}} \cdot P_{x1}(s) + K_c \cdot e(s) + K_{M_i} \cdot M_i(s) + K_{b_z} \cdot y_z(s), \\ y_z(s) &= K_z \cdot P_z(s), \\ a(s) &= \frac{1}{s}(1 - e^{-st}) \cdot S_{nonep}(s) - (1 - e^{-st}) \cdot y_y(s). \end{aligned} \right\} \quad (2)$$

бу ерда  $\xi = \{y, z\}$ ,  $b = const$  – силлиқлаш кенглиги.

(2) да  $Z$  ўқи бўйича эластик деформациялар кесиш қалинлигини ўзгаришига олиб келади ва  $y_y$  ошиб боришини кўшимча ташкил қилувчилари кўринишида қаралиши мумкинлиги ҳисобга олинган. Кесиш чуқурлигининг  $b$ нинг ўсиши ва кесиш кучини ташкил қилувчи  $P_z$  орасида боғланишларни ўрнатувчи,  $K_{b_z}$  коэффиценти учун ифода  $K_{b_z} = \sin(y_{z0}/R) \approx y_{z0}/R$  кўринишда аниқланади.

Шундай қилиб, диссертациянинг иккинчи бобида эластик деформацияланган деталларнинг ММ ишлаб чиқилган. Токарлик ишлов берилиши жараёни ва шунингдек силлиқлаш жараёнлари учун хос бўлган БО параметрларини кенг миқёсда вариациялаш натижасида бўйлама-кўндаланг эгилишдаги параметрлар оптималлаштирилди. Барқарор ва ўтиш режимларда бошқариш сифатининг юқори кўрсаткичларига фақат оптимал бошқариш усулларидан фойдаланган ҳолда эришиш мумкинлиги аниқланди.



Диссертациянинг учинчи «Бикрлиги кам бўлган деталларга токарлик ишловини берувчи технологик тизимни моделлаштириш ва бошқаришнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш» боби токарлик ишловини берувчи ТТни моделлаштириш ва бошқаришнинг кўпбосқичли тузилмасини ишлаб чиқишга бағишланган. Оптимал бошқариш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш масалалари кўрилган.



4-расм. Деталларга ишлов берувчи ТТ учун IDEF0 жараёнлари диаграммаси

ТТни моделлаштириш ва бошқариш тузилмаси халқаро стандарт IDEF услубиятлари асосида ишлаб чиқилган. 4-расмда жараёнлар, операциялар ва амалдаги жараёнларни акс эттирувчи ўзаро таъсир кўрсатувчи ва ўзаро боғланган блоклар тўплами шаклида деталларга ишлов берувчи ТТнинг IDEF0 диаграммаси келтирилган. Ушбу диаграмма ТТнинг ишлашини тадқиқ қилиш стратегиясини акс эттиради.

Ишлаб чиқилган функционал модель, зарурий бошқарув манбалари мавжудлигида киришларни чиқишларга ўзгартирадиган диаграмма кўринишида моделлаштириладиган тизимни график кўринишида акс эттириш имконини беради. Ушбу диаграмма ТТнинг ишлашини моделлаштириш ва тадқиқ қилиш стратегиясини шажаравий тузилмасини акс эттиради.



5-расм. Валга токарлик ишлови берувчи ТТнинг кинематик схемаси

6-расм. ТТнинг динамик модели

5,6-расмларда келтирилган ТТни ҳисоблаш тархи ва динамик модели асосида иккинчи турдаги Лагранж тенгламасидан фойдаланиб, ТТхаракатининг дифференциал тенгламалар тизими тузилди:

$$\left. \begin{aligned} j_1 \ddot{\varphi}_1 &= M_1 - b_v(\dot{\varphi}_1 - \dot{\varphi}_2) - c_v(\varphi_1 - \varphi_2) \\ j_2 \ddot{\varphi}_2 &= b_v(\dot{\varphi}_1 - \dot{\varphi}_2) + c_v(\varphi_1 - \varphi_2) - M_c \end{aligned} \right\}, \quad (3)$$

бу ерда  $j_1, j_2$  – ТТни айланувчи массаларининг инерция моментлари, Н·м·с<sup>2</sup>;  $\ddot{\varphi}_1, \ddot{\varphi}_2$  – ишлов бериш жараёнида ТТни айланувчи массаларнинг бурчак тезланиши, с<sup>-2</sup>;  $\dot{\varphi}_1, \dot{\varphi}_2$  – ишлов бериш жараёнида ТТни айланувчи массаларининг бурчак тезлиги, с<sup>-1</sup>;  $\varphi_1, \varphi_2$  – ишлов бериш жараёнида ТТни айланувчи массаларининг бурчак силжиши, рад;  $b$  – ишлов бериладиган валнинг қовушқоқлик коэффициентини, Н·м·с/рад;  $c$  – ишлов бериладиган валнинг бикрлик коэффициентини, Н·м/рад;  $M_1, M_c$  – ТТнинг ҳаракатлантирувчи моменти ва қаршилик моменти, Н·м.

Кўрилатгани ТТни оптимал бошқариш учун зарурий шартларни тадқиқ қилиш учун Понтрягиннинг максимум принциpidан фойдаланамиз.

Вактнинг бошланғич моментида ТТқуйидаги

$$\varphi_i(0) = \varphi_0(0), \quad \dot{\varphi}_i(0) = \dot{\varphi}_0(0). \quad (4)$$

ҳолатда бўлсин.

Шундай  $u(t)$  бошқаришни топиш керакки, у ишлов берилётган вал ҳаракатини бошланғич ҳолатдан берилган ҳолатга олиб ўтсин:

$$\varphi_i(t) = \varphi_0(t), \quad \dot{\varphi}_i(t) = \dot{\varphi}_0(t), \quad 0 \leq t \leq T \quad (i = \overline{1, n}). \quad (5)$$

Бунда ўтиш жараёни вақти қисқа бўлиши талаб қилинади. У ҳолда бошқаришдан мақсад функционални минимумга келтириш

$$J(\varphi_0, u(t), \varphi(t)) = \int_{t_0}^T f^0(\varphi(t), u(t), t) dt. \quad (6)$$

(4), (5) шартларда

$$\dot{\varphi}(t) = f(\varphi(t), u(t), t), \quad (7)$$

$$u \in U, \quad t_0 \leq t \leq T, \quad (8)$$

бу ерда  $f(\dots)$  – узлуксиз-дифференциалланувчи функция;  $u(t)$  –  $[t_0, T]$  ораликдаги қисмли узлуксиз функция.

Максимум принципини ТТ учун шакллантиришга Гамильтон-Понтрягин функциясини киритамиз:

$$H = (\varphi, u, t, \psi_1, \psi_0) = -f^0(\varphi, u, t) + \langle \psi, u \rangle \quad (9)$$

ва бошқарувга  $|u| \leq 1$  чегара қўйиб қўшма тизимни

$$\left. \begin{aligned} \frac{d\psi_1}{dt} = -\frac{\partial H_1}{\partial y_1} = -j_1^{-1} c_v \psi_2, & \quad \frac{d\psi_2}{dt} = -\frac{\partial H_1}{\partial y_2} = -\psi_1 + j_1^{-1} b_v \psi_2 \\ \frac{d\psi_1}{dt} = -\frac{\partial H_2}{\partial y_3} = -j_2^{-1} c_v \psi_2, & \quad \frac{d\psi_2}{dt} = -\frac{\partial H_2}{\partial y_4} = -\psi_1 + j_2^{-1} b_v \psi_2 \end{aligned} \right\}, \quad (10)$$

киритамиз.

Қаралаётган масалани ечиш учун куйидаги зарурий шарт бажарилиши керак

$$H(\varphi_i(t), u(t), t, \psi_1, \psi_0) = \max_{u \in U} H(\varphi_i(t), u, t, \psi_1(t), \psi_0). \quad (11)$$

Оптимал бошқаришни аниқлашга ўтишдан олдин функцияни шакллантирамиз:

$$\left. \begin{aligned} \varphi_1 = y_1, \quad \dot{\varphi}_1 = y_2, \quad \dot{y}_2 = u_1 - \frac{1}{j_1} [b_v(y_2 - y_4) + c_v(y_1 - y_3)] \\ \varphi_2 = y_3, \quad \dot{\varphi}_2 = y_4, \quad \dot{y}_4 = \frac{1}{j_2} [b_v(y_2 - y_4) + c_v(y_1 - y_3)] - u_2 \end{aligned} \right\}, \quad (12)$$

ва  $u_1 = \frac{1}{j_1} M_1$  ишлов бериладиган вал ҳаракатининг ва  $u_2 = \frac{1}{j_2} M_2$ ,

$u_2 = u_c + u_0 \sin \omega t$  ( $u_0$  – ўртача қийматга нисбатан унинг тебраниш амплитудаси) бошқаришни характерловчи, асбобни қўллаш нуқтасидаги кучни характерловчи математик моделини оламиз.

Агар  $f^0 \equiv 1$  бўлса унда  $J(\varphi_0, u(t), \varphi(t)) = T - t_0$  – бу ҳолда (4)-(8) масалани тез ҳаракат масаласи дейилади.

Қаралаётган объект стационар тизим ҳисобланади ва (6) масала шуни кўрсатадики,  $f$  ва  $U$  вақтга боғлиқ эмас, яъни

$$f(t, y, u) = f(y, u), \quad U(t) = U. \quad (13)$$

Агар стационар масала (6), (13) оптимал бошқариш  $u(t)$  ва оптимал траектория  $\varphi_0(t)$  га эга бўлса, у ҳолда (11) шартни қониқтирувчи, тривиал

бўлмаган кўшма ўзгарувчилар  $(\psi_1(t), \psi_2(t))$ ,  $\psi(t) \in R^n$  вектори мавжудки, (9) максимум шарты бажарилади:

$$\psi_0(t) = \text{const} \leq 0. \quad (14)$$

Худди шундай (11) кўшма тизим  $\psi$ , га нисбатан бир жинсли ҳисобланади, (14) тенгламадаги ўзгармасни ихтиёрий танлаш мумкин, шундай қилиб

$$\psi_0(t) = -1 \quad 0 \leq t \leq T. \quad (15)$$

$\psi_2 \neq 0$  да  $\max_{|u|=1} H$  шартидан  $u = \text{sign} \psi_2$  келиб чиқади, агар  $\psi_2 \neq 0$  бўлса, унда максимум принципнинг чегаравий масаласи қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\left. \begin{aligned} \dot{\varphi}_1 = y_1, \quad \dot{\varphi}_1 = y_2, \quad \dot{y}_2 = \text{sign} \psi_2 - j_1^{-1} [b_v(y_2 - y_4) + c_v(y_1 - y_3)] \\ \dot{\varphi}_2 = y_3, \quad \dot{\varphi}_2 = y_4, \quad \dot{y}_4 = j_2^{-1} [b_v(y_2 - y_4) + c_v(y_1 - y_3)] - \text{sign} \psi_2 \end{aligned} \right\} \quad (16)$$

Бу ҳолда максимум принципнинг чегаравий масаласи (16), (11) дан келиб чиқадиган чегаравий шартлари (4) ва (5) ва шарт (15) дан иборат бўлади.

Гамильтон-Понтрягин функциясини тузамиз:

$$\left. \begin{aligned} H_1 = \psi_0 + \psi_1 y_2 + \psi_2 \dot{y}_2 \\ H_2 = \psi_0 + \psi_1 y_4 + \psi_2 \dot{y}_4 \end{aligned} \right\} \quad (17)$$

Бундан келиб чиқадики, (11) шарт  $u = \text{sign} \psi_2$ ,  $\psi_2 \neq 0$  функцияни ажратади.

Чегаравий масала (16) бу ҳолда у қуйидагидан иборат

$$H_i = -f^0 u + \psi_2(t) u_{\delta}. \quad (18)$$

У ҳолда

$$u_k = \text{sign} \psi_2(t) = \begin{cases} 1, & \psi_2(t) > 1 \\ -1, & \psi_2(t) < -1 \end{cases}, \quad k=2,4,\dots,2n, \quad (19)$$

ўришли, яъни бошқариш  $u_k(t)$  битта нуктада алмашлаб улаш имкониятига эга.

(3), (10), (16) тизимлар Рунге-Кутта сошли усулини қўллаб счилган. (11) функциянинг максимумини таъминлайдиган  $u_k(t)$  бошқаруви (19) соҳада аниқланди. (10) тизимни ечиш натижалари шуни кўрсатдики, инерция моментлари ва эластик диссипатив кучларнинг ўзгариши ўзгарувчиларнинг  $\psi_1, \dot{\psi}_1, \psi_2, \dot{\psi}_2$  функциясини, яъни ишлов берилётган вал ҳаракатини кескин ўзгартиради. Шунинг учун, ишлов бериладиган валларнинг ўлчамлари ва шакли аниқлигини ошириш учун ТТнинг нормал ишлашини таъминлайдиган кўшма тизим ўзгарувчиларини аниқлаш керак:

(3) тизимни сошли ечиш орқали ТТ функционал, конструктив ва геометрик параметрларининг оптимал қийматлари ўрнатилди; диссертациянинг 3.4 бўлимида БКБДларни эгилиши ва токарлик ишлови бериш аниқлигини ҳисоблаш амалга оширилди.

Деталларга шакл бериш жараёнини амалга ошириш учун ТТнинг энергетик ҳолатини баҳолаш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Тизимнинг энергетик ҳолатидаги ўзгаришларни баҳолаш учун биз қувватни тўғрилаш шартини ёзамиз:

$$|P_s - P_p| \leq \varepsilon. \quad (20)$$

Гамильтон функциясининг тўлиқ дифференциали ёрдамида ТТнинг энергетик ҳолати тенгламаларини қуйидаги кўринишда тузишга ўтамиз:

$$P_\varepsilon = \sum_{i=1}^n \left[ \left( -\frac{\partial H}{\partial \varphi_i} + Q_i \right) - \left( -\frac{\partial H}{\partial \varphi_i} + Q_p \right) \right] \dot{\varphi}_i = \sum_{i=1}^n (Q_i - Q_p) \dot{\varphi}_i. \quad \times \quad (21)$$

Бу ерда энергетик ҳолатни тузатиш қуйидаги шартлар билан аниқланади:

$$|Q_i - Q_p| = \begin{cases} = 0, & \text{агарда тегишли ҳаракат параметрлари тенг бўлса;} \\ \neq 0, & \text{агарда параметрлар тенг бўлмаса.} \end{cases} \quad (22)$$

(21)га бурчак тезликлари  $\dot{\varphi}_i$  ва ҳаракатлантирувчи куч ва қаршилиқ моментлари  $Q_i = M_i = j_i \ddot{\varphi}_i$  қийматларини қўйиб, (20), (22) шартларга жавоб берадиган, бикрлиги кам бўлган деталларга ишлов берувчи ТТнинг энергетик ҳолатини аниқлаймиз.

Ўтказилган ҳисоблашлар натижасида валга токарлик ишловини бериш жараёнида ТТнинг сонли қийматлари ва график боғланишлари олинди. Олинган ҳаракат параметрлари ва энергетик ҳолатининг тенгламалари асосида қувватни тақсимлашни баҳолаш ҳисоблари олиб борилди, ишлов бериладиган валнинг бикрлик ва қовушқоқлик коэффициентларининг оптимал қийматлари, шунингдек технологик тизимнинг айланувчи массаларининг инерцияси моментлари аниқланади.


